UHY Tashkent LLC
Audit and consulting

25 Amir Temur str. 7 th fioor
Tashkent. Tashktnt Regijn
Uzbekiston

Tel +998 71 234 22 47
Fax + 998 71 234 91 05
Web WWW. Uhy-uz.com

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2018 йил " 22 " март № - 008 X

"Shovot don maxsulotlari" АЖ га

Аудиторлик ташкилотининг почта манзили:	Тошкент шаҳар Алиев кўчаси 72-уй. info @uhy-uz.com
Барча хўжалик юритувчи субъект ларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия номери:	№ 00596. Ўз.Р АВ томонидан 20 феврал 2008 йилда берилган
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома:	№ 243. Ўз.Р АВ томонидан 9 январ 2013 йилда берилган
Банк реквизитлари:	Х/Р 20 208 000 704 336 155 001 ОАИКБ "Ипак йўли" Сағбон филиали. МФО 01036 ИНН 205082658. ҲҲТУТ 84400
Аудиторлик ташкилоти раҳбари	Каримов Сарвархон Эсонович.

Мен, "UHY Tashkent" Аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификатига эга) томонидан 2018 йил 1 мартда тузилган 19-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **"Shovot don maxsulotlari"** Аксиядорлик Жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлилиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига муқофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққоноийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Shovot don maxsulotlari"** АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текшируаини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказиўни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча **"Shovot don maxsulotlari"** АЖ нинг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоной акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори Каримов С. Э.

Аудитор:- Ибрагимов Х. Р.